



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

АБАДИЯТ ОРАЛАБ...

Навоийдан улги олиб...



Олимлар бор, фақат илмий тадқиқотлар билан шуғулланади. Олимлар бор, кашфиётлар баробарида раҳбарлик иши ва илм ташкилотчилигида маҳсулдор фаолият кўрсатади. Филология фанлари доктори, профессор, икки карра Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Абдуқодир Ҳайитметов ҳам улғу олим, ҳам моҳир раҳбар эди. Камина 17 йил (1977–1994) мобайнида Абдуқодир Ҳайитметов раҳбарлик қилган ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти Ўзбек адабиёти тарихи бўлимида ишлади. Устознинг бир йигит умричалик фаолияти кўз ўнгимда кечган. У киши ишга жуда талабчан, интизомсизликка, кўзбўямачиликка, илмга хиёнатга нисбатан аёвсиз, айна пайтда, инсоний муносабатларда ўта меҳрибон ва гамхўр эди.

(Давоми 4-саҳифада.)

ЎЗБЕКНИНГ БУЮК ЙЎЛИ



Самарқанднинг ўтмиши ниҳоятда қадимий. Аммо бу кентни ўз салтанатига марказ қилган, унинг улғувор ва шарафли тарихида ўчмас из қолдирган, шаҳарнинг салобатига салобат қўшган ҳукмдорлар кўп эмас. Амир Темури, Мирзо Улғубек, Ялангўш Баҳодир... Бу номлар бизгача бўлган минг йилликни тамсил этади холос. Ҳолбуки, шаҳарнинг таваллудидан бир неча ўн асрлар нарига бориб тақалади.

Бундан тақрибан уч минг йиллар олдин ҳам бу ерда маданият ва санъат, илму маърифат гуллаб-яшнаган, ўз чиройи ва лафозати билан инсоният тафаккурига нур бериб турган. Хусусан, миллдан аввалги IV асрда Самарқандни эгаллаган Искандар Мақдунли (Александр Македонский)нинг “...У мен эшитганимдан ҳам гўзалроқ экан” деган иқрори тарихий манбалардан яхши маълум. Ўз даврида дунёнинг маданий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий таянчларидан бири бўлган Самарқанд нафақат “Ер юзининг сайқали”, балки замонлар оша дунё тартибини белгилувчи қудрат (держав) пойтахти ҳам бўлган.

Бироқ бу муаззам кентнинг ҳаёти доим ҳам раван кечмаган. Соҳибқирон Амир Темури, сўнг унинг набираси Мирзо Улғубек даври, яна икки аср ўтиб XVII асрнинг биринчи ярмида (ўша вақтда Самарқанд Аштархонийлар сулоласи ҳукмрон бўлган Бухоро хонлиги тасарруфидан бўлган) ҳоким Ялангўш Баҳодир замонларида гуллаб-яшнаган мазмунли маълум. Аммо муаррихлар ундан кейинги паллалар ҳақида кўп сўзламайди. Бунинг сабаби оддий: чунки ундан сўнг шаҳарнинг ўтмишида таназул даври кечган... Кўп узоққа бориш



МИЛЛАТ ШАВКАТИ

шарт эмас. XIX-XX асрлардаги аввал Чор Россияси, кейин большевиклар босқинида у катта талафотлар кўрганини барчамиз яхши биламиз. “Тенглар ичра тенг” бўлган ёки истиқлол тонги отган илк йиллар ҳам кўҳна кент тарихида таъсирчан аҳамият касб этмади.

Совет ҳокимиятининг Самарқанддан кўзлаган мақсади анча устакорлик билан ўйлаб топилган: мустабид идеология шаҳар харобалари ва ўтмишини кўз-кўз қилиш орқали даҳрий ҳамда репрессив империяни Исломи Ва Шарқ маданияти ҳомийси сифатида тақдим этиш, ундан умумтарих

ва қадриятлар витринаси – мультикультурализм, яъни советча тенглик ҳамда бағрикенгликни кўрсатиш учун фойдаланарди.

Мустақилликдан кейин бу қадимий кентга эътибор бошқа томонга оғди. Энди унга кўпроқ ўзликни топиш, руҳиятдаги пост-тоталитар ҳолатни деформациялаш учун қўлланадиган восита ўлароқ ёндашила бошланди. Тўғри, айна янгиланишларни шунчаки формал ўзгаришлар эди, дейиш адолатдан бўлмади. Чунки обидалар, қадимжолар, меъморий ёдгорликларни тиклаш ва обод қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Аммо бу ҳаракатлар

шаҳарнинг қадимий шухратини тиклаш ва энг муҳими, унинг асрий руҳиятини қайта уйғотишдек қудратли намоён эта олмади.

Нега? Чунки истак ва ҳаракат қанчалик самимий ва кўламли бўлмасин, уларда шаҳарнинг тарихий хотираси ҳамда моҳиятини тўлиқ тиклаш учун зарур бўлган ички мазмун ва уйғунлик етишмади. Жўнгина айтганда, шонли ўтмиши, маънавий идентлиги унга “тарих иконаси” сифатида қарашдек узоқ йиллар онгимизда шаклланган гламур тасаввурлар соясида қолди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда.)

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

НУҚТА

XX аср бошларида жадидлик ҳаракати таъсирида камол топган, миллат тақдирига дахлдор масалаларда жонбозлик кўрсатган зиёлилардан бири Маҳмудбек Қозиев эди. Минглаб маърифатпарвар инсонлар қатори у ҳам сталинча қатагоннинг шафқатсиз тегиримонидан омон чиқмади...



(Давоми 7-саҳифада.)

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қарорига биноан, мамлакатимизда 27 май Қурбон ҳайити байрами сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилган бунёдкорлик лойиҳаларига кўра, Покистоннинг Исломобод шаҳрида ва Андижон вилоятидаги Бобур шаҳрида Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси, сенатор Худайбергенов Турсинхан Айдарович “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2025-2026 ўқув йили якуни муносабати билан “Юсак маърифатли авлод – Учинчи Ренессанс пойдевори!” шиори остида “Сўнгги кўнғирок” тадбирлари ташкил этилади.

ИЛМ ЙЎЛИ

ЁЗИЛМАГАН ТАРИХ ИЗИДАН

ЎзФА Миллий антропология институти директори, тарих фанлари доктори Фарҳод МАҚСУДОВ билан суҳбат



– Ассалому алайкум, домла, маълумки, бугунги тараққиёт мезони ҳар бир соҳа олдида кечиктириб бўлмас вазифаларни кўйяпти. Айтингчи, Ўзбекистонда археологик тадқиқотларнинг бугунги асосий устувор йўналишлари нималардан иборат?

– Бизда қўриқланадиган, муҳофаза қилинадиган археологик мерос миллий рўйхатида 4800 дан ортиқ ёдгорлик кирган. Ҳар йили кўплаб янги ёдгорликлар кўшиляпти. Беш мингга яқин дегани, бу ҳазил нарса эмас, бу – археологик жиҳатдан жуда бой мерос.

(Давоми 6-саҳифада.)

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Ўздор

Ўтмишинг сасини солсам созимга, Номинг гоҳ тикилиб қолар бўғзимга, Тўлқинланиб келар ёшим кўзимга, Паҳлавонинг бўлгим келади мен ҳам, Сени Темури ҳақи севаман, Ватан!

Менинг сенга бўлган дардим бедаво, Душманга тик туриб қиламан даъво, Чархи дун айласа бағриндан жудо, Қашқарда ҳам ҳумор бўлиб юраман, Сени Фуқрат каби севаман, Ватан!

Қуяман, соғиниб кўшинг тафтин, Сенга талпинарман тегсин деб нафим, Ўлсам ҳам байроғинг тутати қафтим,

Хоҳласанг, эй юртим, қасам ичаман, Сени Кубро каби севаман, Ватан!

Сен-ла турналарни кутгим келади, Армонларинг бирга ютгим келади, Гардингни киприқда тутгим келади, Такроринг йўқ хатто Ҳиндистонда ҳам, Сени Бобурдайин севаман, Ватан!

Ўтди хирмонда хор, ўқинган палла, Пахтазорга зор-зор сочилган алла, Бугун замонанг тинч, қуйла баралла, Меҳри дарё мисол она юрт, ўлкам, Сени онам каби севаман, Ватан!

Санжар ТЕМУР


Қарши шаҳри 3-мактаб ўқувчиси



САНЪАТ ОЛАМИДА



СИЙРАТ



сувратлари

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фотожурналист Абдуғани ЖУМА билан суҳбат

– Абдуғани ака, Сизнинг илк ижодга кириб келган даврингиздаги фотоаппаратлар билан ҳозиргиларининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳозир фотосанъаткор учун техник қулайликлар бисёр. Шунга қарамай, бу соҳага кўнгил берган ижодкор ёшлар оз. Тутиб олинган ва тарихга муҳрланаётган лаҳзалар кўпинча аввалгидек юракни қалқитмапти ёки суратларда юрак уриб тургани сезилмапти...

– Фотограф малакали рассом ва бадий диди баланд шахс бўлиши керак. Бу юмуш – чин маънода ижодкорлик. Фотограф сўзи мазму-

нан ҳам рассом, яъни “нур билан чизаман” дегани. Тасаввур қилинг, фотограф уч оёқли камерани елкасига олиб, манзара композициясини суратга олиш мақсадида биргина “чик” товушини чиқариш учун қанча йўл босиб, қанча фурсат пойлашига тўғри келади. Бадий образда руҳий ҳолатни (табиат, архитектура манзараси, портретда) “ушлаб олиш” учун ижодкорнинг ўзи ана шу ҳолат ичида яшаши лозим. Шунда кадр учун зарур барча ранглари кўра олади, соя ва нур муаносиблигининг бор назокатини ҳис қилади ва асар яратишининг техник ечимини тўғри топади.

(Давоми 5-саҳифада.)



Навоийдан улги олиб...

Бошланиши 1-саҳифада.

Беш жылдик "Ўзбек адабиёти тарихи" тадқиқоти бўлим тарихида яратилган энг катта илмий иш эди. Бу улкан тадқиқотнинг майдонга келишида Абдуқодир Ҳайитметов жуда катта матонат ва маҳорат кўрсатган. Тадқиқот энг қадимги даврдан то 1917 йилгача бўлган ўзбек адабиёти тарихини қамраб олган. Ушбу мураккаб қамровдаги қомусий асарда ҳар бир давр ва ижодкорнинг бирортаси четда қолмаслиги, ҳаммасига жорий илм нуқтаи назаридан баҳо берилиши, адабий меросининг мазмун-моҳияти ёритилиши лозим эди. Айни пайтда, уларнинг кўпи ҳали илмда етарлича ўрганилмаган, мероси ҳатто матний жиҳатдан тадқиқ этилмаган эди. Бу – ишни анча мураккаблаштиради. Аксарият ҳолларда бирламчи қўлёзма манбалар асосида иш юритишга тўғри келарди. Бундай услубда ишлаш учун мутахассис етишмасди. Бинобарин, бу сермашақат улкан тадқиқотни биргина ЎзФА Тил ва адабиёт институти интеллектуал салоҳияти билан амалга ошириш имконсиз эди.

Тадқиқотнинг муваффақиятли амалга ошиши учун устоз бутун республика ва ҳатто Иттифоқ миқёсидаги илмий жамоатчилиқни ҳамкорликка чақирган. Улардан, албатта, ўз вақтида ва сифатли илмий маҳсулот олиш ҳам осон бўлмаган. Бунинг учун Абдуқодир Ҳайитметов ўз дипломатик ва ташкилотчилик салоҳиятини ишга солган. Натижада, эллиқдан ортиқ етуқ олимларнинг боши қовуштирилиб, ҳалигача илмий қийматини сақлаб келаётган улкан тадқиқот юзга келган.

Беш томликнинг 2-жилди Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган. Натижада, ўзбек адабиётшунослиги тарихида биринчи марта 30 босма табоқдан иборат навоийшунослик қомусий тадқиқоти яратилган. Ушбу "Ўзбек адабиёти тарихи" тадқиқоти муаллифлари Абу Райҳон Бериуний номдаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Устоз "Ўзбек адабиёти тарихи" нашр этилишининг хурсандчилиги ва шукронасига ўз ҳовлисида росмана тўй қилиб берган. У қўтлуғ тўйнинг шодиёнаси унутилмасдир. Институтнинг деярли барча эркак-аёл илмий ходимлари, биз ёш олимлар ҳам устознинг хонадонини тўлдирганмиз. Бошқа бирор олим жамоатчилик тадқиқоти

қотини нишонлаш учун ўз уйда, ўз ҳисобидан шундай катта зиёфат берганини кейин кўрмадик-эшитмадик.

Бўлимимизда тугалланган режали тадқиқотлар ва диссертацияларнинг муҳокамалари жуда қизгин ўтарди. Устозлар илмий тадқиқотларни қилни қирқ ёргандек таҳлил этишарди. Муҳокама авжида, айниқса, Абдуқодир Ҳайитметов, Су-йима Ганиева, Абдурашид Абдуғафуров, Ёқуб-жон Исоқов иштирокидаги баҳс-мунозаралар "қиёмат-қойим" бўларди. Баъзан баҳс-мунозара ҳаддан ташқари қизиб кетиб, жанговар тус олар, лекин мақсад битта – илмий ҳақиқатни юзга чиқариш бўларди. Муҳокамадан кейин ҳеч ким бир-бирига нисбатан гина-кудурат сақламасди. Фикрий қарама-қаршилиқлар, зиддиятчилик, ҳатто, келишиб бўлмас нуқтаи назарлар муҳокамада қолиб кетарди. Муҳокамадан кейин яна дўстона муносабатлар, ҳазил-мутўйибалар билан қизгин жамоавий меҳнатга киришиб кетиларди. Бу чинакам олимона маданиятдан биз ёш олимлар ўрнак олганмиз. Бу бизга дарс, катта илмий мактаб бўлган.

Бундай баҳс-мунозаралар устоз Абдуқодир Ҳайитметовнинг бағрикенглиги ва демократик характери маҳсули эди. Институтнинг 20-25 та бўлимида 300 дан ортиқ илмий ходим, 30 дан ортиқ ёш олим ишларди. Илгари лаборант ва катта лаборант лавозимдагилар режали катта тадқиқот ҳамда диссертациялар муҳокамасига ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашиш ҳуқуқига эга эмасди. Биринчи бўлиб Ҳайитметов устоз ёш олимлар ҳам муҳокамаларда фаол қатнашишга рухсат берди. Зотан, диссертацияни қандай ёзиш ва қандай ёзмалик кераклигини ҳеч қайси фан амалда ўргата олмайдди. Бунинг олий мактаби диссертация муҳокамаларидир. Бундай муҳокамаларда диссертация ҳам, диссертант ҳам, ўқиб муҳокамада фикр олган ёш олимлар ҳам пишиб етилади.

Институтда ҳар йили 9 февраль кунини аънавий навоийшунослик илмий анжумани ўтказиларди. У даврларда ҳозиргидек ҳамма олий ўқув юртиларида ва барча илмий тадқиқот институтиларида Алишер Навоий таваллуд санасига бағишланган илмий-маърифий йиғинлар ўтказиш аънавоси шаклланмаган эди. Навоийшу-



нослик кучлари, асосан, Тил ва адабиёт институтида марказлашган эди. Бўлимда бу тадбирга астойдил тайёргарлик кўриларди. Академия олимлари билан фикрий муҳолифатдаги йирик олимлар ҳам бор эди, албатта. Абдуқодир Ҳайитметов уларга ҳам алоҳида эътибор берар ва махсус таклифномалар тайёрларди. Биз ёшлар у атоқли олимларга ёзилган таклифномаларни манзилларига анча олдин етказиб берардик. Бундан устознинг мақсадлари таниқли олимлар марказлашган илмий анжумандан четда қолмаслиги, конференцияда ҳам фикрий эркинлик ва фикрий ранг-барангликни, мунозаравий муҳитни шакллантириш бўларди.

Конференция кунини институтда байрам руҳи ҳукмирон, бўлимимиз илмий байрамнинг қайноқ шаҳобчасига айланарди. Тонг саҳардан поезддан тушиб, Самарқанддан академик Воҳид Абдуллаев шоғирди Ботирхон Валихўжаев билан кириб келарди. Воҳид домла эшиқдан баралла ғазал айтиб, файз билан кириб келар, костюмининг кенг чўнтақларидан ҳасакни ёнғоқ чиқариб, сиқимида синдириб, лутфан бўлимдаги мезбонларга улашарди. Тожикистондан Ҳайитметовнинг тўнғич шоғирди профессор Эргашали Шодиев ҳайбат ва салобат, табассум билан кириб келарди. Озарбайжондан профессор Жаннат Нагиева, Россиядан профессор Зоя Кедрина ташриф буюрарди. Конференция "ош"ини пиширган Ҳайитметов уни бошқаришга даъвогарлик қилмай, ҳайъатнинг бир четиди камтарингина ўтирар, анжуманга Навоий қўмитасининг раиси, академик Воҳид Зоҳидов раислик қиларди.

Анжуманга келган маърузалар обдон сараланиб, илмий янгилиги бор, энг яхши маърузаларгина дастурга киритиларди. Атоқли журналист Маҳмуд Саъдий барча маърузаларни диққат билан тинглаб, энг яхшиларини танлаб, "Ўзбекис-

тон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этиш учун олиб кетарди. Жами маърузалар ўн та атрофида бўларди. Бу ҳам ҳозирги илмий жамоатчилик учун ўрнак.

Абдуқодир Ҳайитметов бошчилигида бўлимда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий тўпламлар тайёрланар, тавсия этилган мақолаларни устоз заргарона танлар ва таҳлил этарди. Шу боис, илмий тўпламлар салмоқли ва бақувват чиқарди. Ҳар бири бир илмий монография кудратига эга бўларди. Улар ҳақида матбуотда тақризлар чоп этиларди. Масалан, "Навоий ва ижод сабоқлари" номли тўплам ана шундай илмий қийматини йўқотмайдиган китоблардандир.

Ҳозир кафедраларда ўтказилаётган илмий анжуманлар материаллари асосида ёстиқдай илмий тўпламлар чиқариляпти. Бу илмнинг ривожидан дейсизми? 900-1000 бетлаб ҳажмда чоп этилаётган бу илмий тўпламларнинг савлатидан от хурқади. Лекин ичида бармоқ билан санарли илмий мақолалар бор, холос.

Дарвоқе, кейинги пайтларда матбуотда илмий тақризлар эълон қилиш таомили тўхтади. Бу борада ҳам Ҳайитметовлар тутуми ибратлидир. Тақриз ҳам ўзига хос жанр, айниқса, илмий китобга тақриз ёзиш осон эмас. Бунинг учун муаллифда узлуксиз илмий жараёндан бохабарлик, илмий янгиликларни идрок этиш, таҳлил ва умумлаштириш қобилияти бўлиши лозим. Абдуқодир Ҳайитметов бизни шу соҳага ҳам жалб этган ва топшириқ бериб бўлса ҳам, тақриз ёзишга ўргатган.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов илмий ташкилотчилигининг энг юқори чўққиси Алишер Навоий энциклопедиясининг яратилиши бўлди.

1985 йилдан қайта қуриш ва ошқоралик даври эълон қилинди. Шу муносабат билан жамиятнинг ҳамма жабҳаларида жонланиш пайдо бўлди. Тўдан янгилиниш ҳаракатлари кучайиб кетди. Ўзбекистон Фанлар академиясига академик Пулат Ҳабибуллаев президент этиб тайинланди. Янги раҳбар академияга қарашли ҳамма илмий тадқиқот институти фаолиятини талабчанлик билан текшириб чиқадиган бўлди. Навбат Тил ва адабиёт институтига етиб келди. Президент институти айланиб, бўлимлар фаолиятини ўрганиб чиққач, жамоанинг умумий йиғилиши чақирилди. Устоз Ҳайитметов доим янгидан-янги ғояларга тўлиб юрарди. У умумий йиғилишдан олдин бўлим мажлисини чақириб, 4-5 та йирик илмий тадқиқот режаларини муҳокамадан ўтказиб олди. Аммо у академия раҳбарига қайси илмий тадқиқот лойиҳасини тақдим этишни сирлигича қолди. Устоз вазиятга қараб, мўлжаллаб туриб, нишонга аниқ уришни яхши кўрарди.

Абдуқодир Ҳайитметов академия президенти ҳузурда кейинги беш йилда бўлим илмий ходимлари кучи билан "Навоий энциклопедияси"ни яратиш ва уни 1991 йили Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига нашр этиш режасини илмий асослаб берди. Режа тасдиқланди.

"Навоий энциклопедияси" лойиҳаси катта таваккал билан ўртага ташланган бўлса ҳам, бундай янги ҳамда улкан тадқиқотга табиий зарурият ва эҳтиёж бор эди. Чунки собиқ иттифоқ миқёсида "Пушқин энциклопедияси", "Лермонтов энциклопедияси" тажрибалари мавжуд бўлса ҳам, ҳали Марказий Осиёнинг бирорта мамлакатда адабий қомус яратилмаган. "Навоий энциклопедияси" бу минтақада биринчи адабий қомус бўлиши мўлжалланган эди. Қисқа муддатда "Навоий энциклопедияси сўзлиги" тuzилиб, нашр этилди. Беш йил мобайнида бўлим ходимларининг кенг навоийшунослар жамоаси ҳамкорлигида, устоз Ҳайитметов раҳнамолигида "Навоий энциклопедияси" матни майдонга келди.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов юқоридаги сингари жамоавий илмий тадқиқотлар билан бирга, унлаб ўз мустақил илмий монографияларини яратди, Алишер Навоий ва бошқа ўзбек муомтоз адиблари адабий меросининг наشري билан шуғулланди, кўплаб ёш тадқиқотчиларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик қилдики, уларнинг бари ҳозир илм-фан тараққиёти хизматидадир.

Устознинг ҳам илм, ҳам ташкилотчилик, ҳам инсоний фазилатлари айнан Алишер Навоий ҳазратларига бемисл ҳавас ва муҳаббат ҳосиласи эди. Улуғлардан улги олиб, ўзи ҳам устозга айланган домламининг охирати обод бўлсин!

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори,
профессор



“**Нафънинг агар халққа бешакдурур.**
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.
Алишер НАВОЙИ

МУТОЛАА

Хабарингиз бор, яқинда таниқли адиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Абдусалим Кўчимовнинг "Юксалиш симфонияси" китоби нашр этилди. Қисқа вақт ичидаёқ ушбу асар ўзининг мазмун-мундарижаси ва долзарб ғоялари билан кенг омма эътиборини тортгани бежиз эмас. Китобни мутулаа қилиб, ундаги фикр-мулоҳазаларни таҳлил этган ҳар бир инсонга унинг аҳамияти янада теранроқ англашилади.

Асарда мамлакатимизда инсон қадрини улуглашга қаратилган оқилона сиёсат самараси ўлароқ, кейинги ўн йил мобайнида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар таъсирчан ва ҳаётий лавҳалар орқали акс этирилган. Юртимиздаги тараққиёт суръати, халқимиз онги, тафаккури, дунёқарашига кечаётган маънавий ўзгаришлар ҳаққоний ва чуқур мушоҳада билан тасвирланган. Муаллифнинг кузатишлари ва таҳлиллари орқали китобхон гўё мамлакатнинг турли ҳудудларида бўлиб, ўша янгилинишларни бевосита кўргандек таассурот олади.

Эслатиб ўтамиз, маъруз мақолалар шу кунга қадар матбуот саҳифалари ва интернет нашрлари орқали кенг жамоатчиликка тақдим этиб келинган. Энди эса уларнинг ягона ғоя ва муштарак руҳ асосида, Янги Ўзбекистон тараққиётини ифода этувчи салмоқли китоб ҳолида нашр қилиниши муҳим тарихий ва маънавий аҳамиятга эга бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Тўпламга таниқли сиёсатшунос ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқов сўзбоши битган. Унда қайд этилганидек, самимий туйғу ва ҳаётий ҳақиқатлар асосида яратилган ушбу китобни фақат сиёсий ёки тарихий воқеалар баёни сифатида баҳолаб бўлмайди. У, аввало, ўз келажагини янгилаш йўлида қатъий қадам ташлаган халқнинг руҳий дунёси, маънавий қиёфаси ва

ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ



юксалиш жараёнларини ўзида мужассам этган таъсирчан бадийи солномадир.

Китоб "Ер юзининг сайқали ёки мақолага сиғмаган Самарқанд" номли бадийи-публицистик эссе билан бошланади. Муҳим жиҳати шундаки, у шунчаки статистик рақамлар ёки расмий ҳисоботлар йиғиндиси эмас, аксинча, шахсий хотиралар, халқона ҳазиллар, қисслар, мақоллар, тарихий ишоралар ва лирик чекинлишлар орқали Самарқандда кечаётган улкан ўзгаришларни тирик бадийи манзарга айлантиради. Масалан, ота билан боғлиқ хотира мақоланинг ғоявий калити вазифасини бажаради. "Қишлоғимизга поезд келган" деган ҳазиломуз лоф дастлаб кулгили туюлади. Аммо мақола охирига бориб ўқувчи англайдики, кечаги орзу ва ҳазиломуз хаёл бугун ҳақиқатга айланган. Муаллиф бу билан миллат орзу қилишдан тўхтамас, ҳатто афсона ҳам воқеликка айланиши мумкин, демоқчи бўлади гўё. Илгари энг чекка ва йўл азоби дада қолган худуд сифатида тасвирланган Ургут бугун транспорт, сановат ва логистика марказига айланаётгани алоҳида таъкидланган.

Дарвоқе, рўйи замин сайқали бўлган

Самарқанд азалдан турли тамаддунлар туташган табаррук макондир. Шу боис мақолада тарих ва замонавийлик ўзаро уйғун тарзда тасвирланади. Амир Темур, Афросиёб, "Авесто", Регистон ва Имом Бухорий мажмуаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, шунингдек, замонавий аэропортлар, туннеллар, электробуслар ҳамда иқтисодий зоналар ҳақидаги тадрижий маълумотлар муштарак манзара касб этиб, ўқувчида катта таассурот уйғотади.

Муаллиф юртимизда амалга оширилаётган барча йирик лойиҳаларни мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси, сиёсий иродаси ва халқпарвар сиёсати билан боғлайди. Айниқса, "Боқий шаҳар", "Ширин" массиви, Ургут эркин иқтисодий зонаси, Самарқанд аэропорти каби объектлар ҳақида гап кетганда, Президентимизни миллий уйғониш меъмори сифатида ҳаққоний таърифлайди.

Китобдан жой олган "Авлиёлар диёри, алплар юрти – Бухоро!" номли публицистик мақолани вилоятнинг кўп минг йиллик тарихи, маънавий кудрати, миллий хотираси ва Янги Ўзбекистон давридаги қайта уйғониш жараёнини ўзида ақс эттирадиган бадийи-фалсафий асар дейиш мумкин. Унда "Тангри жамоли", "Шариф шаҳар", "Ислол оламнинг нури" дея таърифланадиган муқаддас шаҳарнинг Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд, Рудакий, Наршахий, Аҳмад Дониш каби алломаларга бешик бўлгани, илм-фан, тасавуф ва маданият маркази сифатидаги мақоми оташин сўзлар билан улугланади.

"Жануб гавҳари" мақоласи Сурхондарё вилоятида кечаётган кенг қамровли янгилинишлар ҳақида ҳикоя қилади. Муаллиф Термизини минтақавий ва халқроқ иқтисодий алоқаларга тобора фаол қўшилаётган,

янги имкониятлар эшигини очаётган стратегик аҳамиятга эга худуд сифатида талқин этади. Унда, айниқса, "Термиз халқроқ савдо маркази" каби йирик инфратузилма лойиҳалари орқали мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий сиёсатдаги амалий, прагматик ёндашуви ва унинг самарали натижалари яққол намоён бўлади.

Вилоят ҳаётини кенг қамровли публицистик руҳда ёритувчи ушбу мақолада жадал ривожланишга оид таҳлиллар ҳамда танқидий мулоҳазалар уйғун ҳолда келади. Муаллиф Ҳайитбой ота образи орқали оддий инсоннинг журналистикага бўлган талабини кўрсатади. Шу билан бирга, журналистларга воқеликнинг моҳиятига чуқурроқ кириб боришни тавсия қилади. Бунинг жонли мисоли тариқасида ўзи қадамба-қадам кезиб чиққан замин, хусусан, сўнги йиллардаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни аниқ статистик маълумотлар орқали баён этибгина қолмай, ҳаққоний танқидларга ўтади ҳам. Хусусан, айрим ҳудудларда бошқарув самарадорлигининг пастлиги, имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани, коррупция каби муаммолар қаламга олинади.

Мақола сўнгига умумий хулоса сифатида ватанпарварлик ва ишонч руҳи илгари сурилади ҳамда Ҳайитбой отанинг телефон орқали билдирган некин сўзлари келтирилади: "Сурхондарёни алплар юрти, алпомишлар ватани деймиз, бу жуда тўғри. Лекин бугун Президентимиз нутқини эшитаётиб яна бир марта амин бўлдимки, бутун Ўзбекистон алплар Ватани экан. Ватанимизнинг Шавкат Мирзиёевдек жасур раҳбари бор экан, бундан ҳам обод, бундан ҳам бой бўлади, Худо хоҳласа".

Умуман олганда, "Юксалиш симфонияси" китобидан ўрин олган "Бу ўлкада ҳар




нарсаси бордир", "Саҳро жавоҳири", "Кўёш юрти Хоразм", "Наманган – гуллар водийси", "Фарғонага келган турналар", "Қанча шонинг бўлса – Ватани кўтар!" каби мақолалар мазмун жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи яхлит публицистик гулдаста бўлган, дейиш мумкин. Уларда таҳлил ҳам, талқин ҳам заргарона услубда уйғунлашиб, жадал ислохотларнинг жамият ҳаётидаги таъсири аниқ ва изчил тарзда ифода этилган.

Муаллиф таъкидлаганидек, "Тўпламдан ўрин олган мақолаларда мамлакатимиз худудларининг бугунги ўзгаришлари, тараққиёти кечаги кун билан қиёсланган ҳолда баён этилганки, бу ўқувчини ҳозирги шиддаткор ўсиш, ривожланиш ўз-ўзидан бўлмаётгани, Давлат раҳбарининг ҳамisha бедорлиги, халқ учун, Ватан учун беором меҳнат қилаётгани самараси эканини англашга ундайдми."

Шаҳриёр ШАВКАТ



СИЙРАТ



субратлари

Бошланиши 1-саҳифада.

Фотография ўзининг туғилишидаёқ тасвирий санъат қонуниятлари асосида яратилганини фотогаф эсдан чикармаслиги лозим. У ўзининг ижодкорлигини ҳис этса, суратга олаётган лаҳзадаги ҳаяжонини томошабинга етказа олади.

Фотожурналист, аввал айтиб ўтганимиздек, талаб қилинадиган барча мезонлар асосидаги ечимга лаҳза ичида нуқта қўйиб, “чиқ”ни амалга оширад экан, худди ана шу “чиқ”да унинг иқтидори, дунёқарashi, билими, тажрибаси, маънавияти, маданияти, бадий савияси акс этади. Бошқача айтганда, фотогаф ўйлаб, кадрнинг ҳам техник, ҳам бадий ечимини ҳал қилаётган лаҳзада қанчалик ҳаяжон, эҳтирос сезса, у олган тасвир шунчалик таъсир кучига эга бўлади. Баъзан фотогаф тасвирга ола туриб, ҳали ювиб очилмаган кадр негативида техник жиҳатдан нима қандай акс этганини аниқ билиб туради. Бу, албатта, профессионал фотогафларга хос бўлган хусусият.

XX аср бошига келиб фотопластинкалар, сезгирлиги анча юқори бўлган кўп кадрли фотоленталар кашф қилиниши муносабати билан динамик ҳаракатдаги “стоп-кадр”ларни тутиб қолиш имконияти яралган, фоторепортаж жанрига асос солинди. Бу эса мавжуд бўлган жанрда ижод қилиш имкониятларини кенгайтди. Ижодий фотография тасвирий санъат билан умумий ўхшашликларини сақлаб қолган ҳолда, айнан фотографияни ажратиб турадиган хусусиятларини ҳам касб эта бошлади. Натيجида фотографиянинг қўлланиш кўламини кенгайтиб, унинг янги-янги жанр ва йўналишлари пайдо бўлди.

Бундан йилгирма беш йиллар аввал рақамли фотокамераларнинг пайдо бўлиши муносабати билан сураткашликка қизиқадиганлар сони кўпая бошлади. Боз устига, кўл телефонлари ҳам “рақобат”га киришди. Бундай матохлар бутунлай дастурлангани боис, кишидан ҳеч қандай малака талаб қилмайдигандай кўринади. Кўп кузатганимиз, фотогаф суратни олади-ю, дарҳол мониторга қарайди. Аввал кадр олинади, кейин ўйланади. Хоҳласа, бир секундда ўнта кадр олиши мумкин, ўйлашга эса вақт йўқ, интуиция, ҳиссиёт зарурмас. Бора-бора барча, ҳатто ижодкор шоир-ру адиллар ҳам суратнинг мазмунли бўлишига эмас, чиройли чиқишига ўрганиб қолди. Рақамли фотокамеранинг жуда кўп афзалликлари бор, албатта. Аммо ижодкор фотогафларнинг кўпчилиги фототасма асосидаги камераларда ишлаши маъқул кўради. Каминга ҳам шулар жумласидан.

– **Рақамли фотокамера ва фототасмали камера ўртасидаги фарқни худди китоб ва электрон китоб ўртасидаги фарққа қиёслашми?** – Ҳа, биз, ёши каттароқ авлоқ вакиллари ўз кўникмаларимиздан воз кечолмайпизми, замонга мослаша олмапизми? Бугун инсоннинг инсонлиги унинг қалби, туйғулари билан эмас, биз тушунмайдиган бошқа мезонлар билан ўлчанаётганмикин?

– Мен адабиётни севгучи, озми-кўпми тушунгучи инсонга китобнинг қоғози, муқоваси, беази, шрифти ҳам кайфият беришини, уни кўлга оларкан, очмасдан олдин ҳидлаб ҳам ҳузурлаши мумкинлигини кўшимча қилсам, албатта, қўшилмас, деб ўйлайман. Фототасмали ва рақамли фотокамерани ҳам шундай қиёслаш мумкин. Суратга олиш жараёнида техник жиҳатдан фарқ йўқ, деб ўйловчилар ҳозир кўп топилади. Ҳамма гап ана шунда. Яъни, ҳозирги рақамли камера билан ишлайдиган замонавий сураткашлар фототасмада ишлаган ва ишлайётганларнинг ҳар бир кадр билан боғлиқ бўлган, фақат унгагина зарур омилларини, таъсир воситаларини

хаёлига келтира олмайди.

Образ яратишда фототасманинг бир қарашда яширин, аммо жуда муҳим хусусияти борки, гуё шоир матни қоғозга ёзганидек гап. Бу материалнинг структуравий тузилиши билан боғлиқ. Гап шундаки, фототасма рангли сезувчан кимёвий тўрт қаватдан ташкил топган, фотоижодкорнинг энг нозик ҳис ва сезимлар орқали англашиладиган бадий образнинг кўз илғамас унсурлари туйғулар билан яраладиган бадирий ана шу қаватларнинг мутаносиб мувозанати натижасида рўйга чиқади. Билмадим, эҳтимол, буни ҳамма ҳам пайқамас, лекин профессионал фотогаф бундан воз кечолмайди. Аслида, ҳақиқий ижодкорлик кўз илғамас ва тушунтириб бўлмайдиган жиҳатлари билан шарҳланади, шу жумладан, ижодий фотография ҳам.

Рақамли фотокамерага келсак, бу янги техника ва электрон технологиянинг сўнгги сўзи, деб таърифлаш мумкин. Кейинги пайтларда уни мукамаллаштириш жараёнида аналог фотокамера сифатини бера оладиган даражага етказишга интилишмоқда. Бунда техник жиҳатдан энг сифатли фотосуратлар яратиш учун ресурслар имкониятлари жуда кенг. Узим шундай камерага эга бўлган пайтимда “Бунёдкорлик эпопеяси” лойиҳаси устида олти йил ишлаганим ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам унинг афзал томонидан унумли фойдаланаётган ҳамкасбларимиз ҳеч бир муаммосиз ишлашмоқда. Талаб ҳам ўзгариб, одамлар техник жиҳатдан мукамал, чиройли фотосуратларга ўрганиб бормоқда. Шунга қарамай, классик фотография классиклиги асил бўлиб қолаверади. Сизни ҳавотирга солаётган қалб, туйғу муаммолари ҳам замон тезлигига мослаша керак, деб ўйлайман.

Ўзининг ижодий ишларининг саксон фоизи негатив тасмаларда сақланаётганидан кўнглимда қониқиб сезаман. Шу нарса умид бахш этадики, юксак бадиийлик ухлайётган ҳар қандай қалбни уйғота олиш қудратига эга бўлади. Адабиёт ва санъатнинг мумтоз яраткичларидан инсоният ўзининг маънавий эҳтиёжи учун ҳам воз кечмас керак.

– **Қайсидир маънода фотография ҳам одамзоднинг мумтоз яраткичи бўлиши тасвирий санъатга соя солган соҳа эмасми?**

– Фотографиянинг кашф этилиши бир неча асрлардан буён ривожланиб келаётган дастгоҳли рангтасвир санъатининг ҳар жиҳатдан ривожланишига жуда катта инқилобий таъсир кўрсатди. Париж фанлар академиясининг котиби Доминику Франсуа Арагонинг кўлига илк фототасвирни беришганида, у таъсирланиб, янгиликни таниқли рассом Поль Деларошга илинади. Рассом сурат олишининг бу қадар аниқ реалистик услуби билан танишиб, беихтиёр тутақиб кетади ва: “Бугундан рангтасвир ўлди!” дея хитоб қилади. Лекин вақти келиб, “Бу кашфиёт рассомларга кўп асқотади”, дея тан олади. У ҳақ бўлиб чиқди, тез орада фотоаппарат ҳар жабҳада, хусусан, илм-фаннинг деярли барча соҳаларида қўллана бошлади.

Кўриниб турибдики, фотография аввал-бошдан санъат сифатида дунёга келган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Европа рангтасвирда ҳар хил авангард усуллардаги “изм”лар – кубизм, экспрессионизм, сюрреализм, абстракция каби реализмдан узоқроқ йўналишда ишланадиган кўплаб рассомлар пайдо бўлди. Академик мактаб асосида етарли маҳоратга эга бўлган иқтидорли рассомлар янгилик яратишга киришдилар.

Гап шундаки, фотография кашф қилингунча қадар кўплаб рассомлар асосан сармоядорлар томонидан бериладиган портрет буюртмаларини бажариб, тирикчилик қилганлар. Бундан

ташқари, академик техникага асос солиниб, реалистик услубда уйғониш даври бошланди. Уша асрнинг қирқинчи йиллариданоқ илк фотопавильонлар пайдо бўлди. Бадиий диди яхши шакланган фотогафлар томонидан олинган портретлар, албатта, рангтасвир асосларига қурилган. Фотографияга қизиқиш ва ишонч ниҳоятда баланд бўлган, рассомларда ҳам ундан иложи борича узоқлашиш зарурати туғилди. Бунинг натижасида Эдуар Мане, Ван Гог, Салвадор Дали, Пикассо, Марк Шагал (рўйхатни давом эттиравериш мумкин) каби услуб ва техникада машҳур рассомлар пайдо бўлди.

Мана, фотография санъати кашф этилишининг ижобий таъсири! Уша асрнинг эллагинчи йилларидаёқ барча илм, фан, адабиёт, санъат, техника соҳасининг деярли машҳур намоёндаларининг фотосуратлари тайёрланган ва улар эндиликда қимматбаҳо тарихий ашёлар сифатида қадр топган. Буни “соя солиш”нинг оламшумул ижобий таъсири, дейиш мумкин.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтсам. Ҳозирги замон рассомларимизнинг аксарияти кўпича ўзлари оладиган портрет, манзара ва бошқа жанрдаги фотосуратлар асосида рангтасвир композицияларни ишлайдилар. Уларнинг деярли барчасида профессионал фотогафлик малакаси йўқ. Шу туйғули холстага ўтирилган ишлари ҳам кўпича “салонбон” бўлиб қолмоқда. Ажабланарлиси шундаки, улардан баъзилари маҳоратли фоторассомларни назарга илмасликка ҳаракат қиладилар-у, энг яхши ишларни имижимида кўчириб ҳам қўйишади.

– **Фотомухбирнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақида фикрингиз?**

– Шу ўринда ўзбек фотографиясининг биринчи намоёнчаси, асосчиси, ўз замонида мисли кўрилмаган жасорат кўрсатган, 1938 йилда Қодирийлар билан бир кунда Юнусободда отиб ташланган хоразмлик Худойберган Девоннов, тошкентда туғилиб вояга етган Георгий Зельма, ўз ишининг фидойиси Равил Альбеков, тўғма фотогаф Содик Маҳқамов номларини ҳурмат билан эсга олмасам бўлмас. Уларнинг ижоди ва ҳаёт йўли фотомухбирнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини кўрсатиб турибди.

Қўлида фотокамера тутган, бирор газета ёки журналда фаолият олиб бораётган ходимни кўпинча фотожурналист мартабаси билан сийлашади. Аслида, бу даражага эришиш ҳаммага насиб этавермайди. Фотожурналист – бу ижтимоий фаол шахс. У кенг дунёқарашли, фуқаролик позициясидан келиб чиққан ҳолда, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабатини билдира олади. Ўз соҳасининг устаси, ижодкорлик қобилиятига эга шахс бўлиши керак. Айтиш мумкинки, теран фикрловчи, бадий мушоҳадага мойил, изланувчан кишидагина фотожурналист мартабасига эришиш салоҳияти бўлади. Дунёда тан олинган фоторепортёрлар орасида бу талабга жавоб берадиганлар кўп. Бизнинг эса бу борада камчиликларимиз, ҳал қиладиган муаммоларимиз бор. Фотография, фотожурналистика мутахассислигини эгаллашга интилаётган бир қанча ёшлар бўлса-да, аммо университетда берилётган фотожурналистика сабоқлари ҳали мукамал эмас.

– **Бу муаммоларни бартараф этиш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

– ЎзМУ ва ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетларида менинг маҳорат мактабим ташкил этилган. Ҳар иккаласида ҳам бу фанни ўқитишга муносабат ачинарли даражада бўлган. ЎзЖОКУ очилиши билан ҳолат нисбатан ўзгарди. У ерда биринчи бор мутахассисликдан таълим бериш учун маълум даражада шароитлар яратилди. Ресурслар ажратилди. Аммо ўқув дастури барча учун умумий. Мутахассис тайёрлайдиган факультет ёки бўлим ҳали очилгани йўқ. Тулақонли таълимга эришиш учун ресурс ва шароитларни бир неча баробар ошириш зарурати бор.

Матбуотда ишлайётган фотомухбирлар қайсидир таърибга таяниб, ўз ҳолича ўрганиб келмоқдалар. Ахир, профессионал фотожурналистика фани жуда катта назарий билимлар мажмуасига таянади. Ана шу назарий билимлардан беҳабар қолаётгани учун ҳам газета ёки журналларда бир умр ишлаб келаётган сураткашлар орасидан фотожурналист даражасига етганлари кам.

Мен шу соҳага кириб келган чоғларда, совет даврида “етакчи” фотогафлар миллий кадрларнинг рўйга чиқишига ҳар томондан монелик қилишарди. “Фотография ўзбекларнинг иши эмас”, деган гап юрарди. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб уларнинг кўпчилиги тахририятларда ўз ишини нари-бери қила бошлаган ёки умуман ташлаб қўйган. Эсимда, шундай кунларнинг бирида Майоров деган “мутахассис” марказий фотоллабораторияда менга: “Сизлар энди мустақилсизлар, энди арвалларингиз ўзларингиз тортинлар”, деганди. Бу менга каттиқ теғди, ориятим келиб, қайси журнал тахририяти нима ни сўраса, бажариб бериш учун елиб-югуриб ишлай бошладим. Шунинг учун ҳам, 1992 йилнинг бошидаёқ миллий кадрлар масаласини юқори идораларга олиб чиққанман. Шўқри, буларнинг ҳаммаси энди тарихга айланди. Бугун интилувчан ёшлар сафимизга қўшилмоқда.

– **Фотожурналист бўлишни мақсад қилган ёшларга айтидиган гапингиз борми?**

– Халқнинг тарихини, дарду армонларини қалб-ан ҳис қила олган кишигина ҳақиқий фотожурналист бўлиб етиша олади. Унутманг, олинган ҳар бир сурат шу лаҳзадан бошлаб тарихга, замон руҳини ўзида ортомқлаган қимматли маънавий хазинага айланади.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА сўхбатлашди.

ТАВАЛЛУД



САҲНАДАН ТОПДИМ ФАРОҒАТ

Ўзбекистон халқ артисти, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳибаси, ўзбек мусиқали театрининг забардаст вакилларида бири Фароғат Раҳматова таваллудига 100 йил тўлди. Санъаткор 1926 йил 25 майда Қарши шаҳридаги Қўрғонча маҳалласида туғилган.

Ўқувчи Фароғатдаги истеъдодни мактабдаги мусиқа ўқитувчиси Баҳром Камолов кашф қилиб, унга “Ёшлигим” кўшигини ўргатади. Тез орада бу ижронинг вилоятда донги кетади ва Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қарши театри ёш талантга талабгор бўлади. Мактаб давридаёқ оммавий саҳналардан ташқари, биринчи роли – “Ёрилтош” спектаклида Оймомон уйнайди. 15 ёшида Бухоро театрида Саттор Ярашев билан “Даврон ота” спектаклида Муҳаббат, “Фарҳод ва Ширин”да Ширин ролини маҳорат билан ижро этади.

1942 йилда Қашқадарё вилоятида ўтган йилриқ тадбирнинг маданий дастурида ёш Фароғат ҳам ўз истеъдодини намойиш қилади ва ўша пайтдаги давлат раҳбари Усмонов Юсулов топшириғи билан фаолиятини Тошкент вилоятидаги “Янгийўл” театрида давом эттиради.

Фароғат Раҳматова 1947 йилдан Тошкентдаги Муқимий номидаги театрда иш бошлайди. Мазкур театр сахнасида яратган илк образи “Алломиш” спектаклидаги Барчин бўлиб, кейинча “Тоҳир ва Зухра”даги Зухра роли санъаткорга чинакам шўхрат олиб келади. Шундан сўнг “Фарҳод ва Ширин”, “Нурхон”, “Ватан ишқи”, “Ошиқ Ғариб”, “Азиз ва Санам”, “Фарғона тонг отгунча”, “Равшан ва Зулхумор”, “Тошболта ошиқ” каби кўплаб спектаклларда ижро этган бош роллари томошабинлар қалбидан ҳол олади.

Фароғат Раҳматованинг нафақат театр сахнасида яратган ранг-баранг образлари, балки кўшиқлар репертуари ҳам ҳавас қиларлидир. У халқ кўшиқлари ижросини Тўхтасин Жалиловдан, мақом йўлларини Юнус Ражабийдан ўрганади. Лутфихоним Саримсоқовани устози ва онаси қаторида кўради. Ҳар бир кўшиқ устида Фахриддин Содиқов, Дони Зокиров, Саиджон Калонов, Ғанижон Тошматов, Комилжон Жабборов, Султон Жабборов, Матниёз Юсупов каби композиторлар билан эринмай ишлаб,


ижро меъёрига етмагунча кўнгли тинчмаган санъаткор халқ орасида машҳур “Диёримсан”, “Онажон”, “Куйгай”, “Ёрдан салом келибди”, “Ёринг унутма”, “Дугоҳ” каби кўшиқларни ҳадди аълосига етказган.

Қаҳрамонимизнинг санъат чўққиларини забт этишида оилавий мухитнинг ҳам ўрни беқиёс. Сўхбатларимиздан бирида Фароғат опа шундай деганди: “Ютуқларимнинг асосий сабабчиларидан бири – қайнонам. У киши жуда яхши инсон эдилар. Агар қайнонам бўлмаганлариди, ҳар кун саҳнага чиқиш, концертларга бориш, сафарларда юриш қаёғда, уч фарзанд билан ўралашиб қолишим ҳеч гап эмасди. Қайнонам онамдай бўлиб, ҳамма юмушларимда ҳамдам бўлдилар”.

Фароғат Раҳматова ўз умри ва ижодининг катта қисмини Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрига бағишлади. У профессионал актёрлик фаолияти давомида мудом бош ролларини ижро этди. Халқимиз юрагиндан чуқур жой олган бу роллар афсонавий маликалар, ўз даврининг илгор аёллари тимсоли эди. Бу бежиз эмас: Фароғат опанинг тийнатида ҳам айна зодагонларга хос ички маданият кучли эди.

Фароғат Раҳматованинг бағрикенглиги, тўғрисиқлиги, санъат йўлидаги жонқурлиги бугунги санъат аҳлига ибрат бўлгуликдир.

Гулчехра УМАРОВА



“Мусиқа башариятнинг умумий тилидир.”
Генри ЛОНГФЕЛЛО

”



ЁЗИЛМАГАН ТАРИХ ИЗИДАН

Бошланиши 1-саҳифада.

Бугунги кунда Ўзбекистонда археология фанининг устувор йўналишлари жаҳон археологиясида бўлаётган устувор йўналишлардан келиб чиқади. Жаҳонга интеграциялашган ҳолда, йирик халқаро илмий марказлар билан ҳамкорлигимиз бор. Шунинг учун улар қандай ривожланаётган бўлса, бизда ҳам жараён шундай кетади. Археологик изланишларда улар замонавий технологиядан фойдаланса, биз ҳам фойдаланишимиз керак. Улар сунъий интеллектдан илмий тадқиқотда фойдаланса, биз ҳам буни амалиётга жорий қиламиз. Улар табиий фанлар усулларидан, методларидан, генетикага ўхшаган палеозоология,

миз ёввойи ҳайвонларнинг қайси турлари эканини аниқлайди. Одам суякларини қилиб кетган жойлар, қабристонлар ёки ҳали қабристонлар пайдо бўлмагандан, одамлар ҳали кўмишни ўйламаган даврларда қилиб кетган суяклар бор ер ости қатламларида. Шулардан у одамлар қандай қиёфага эга эди, уст-боши қандай эди, деган саволларга жавоб беради бу фан.

Ўзбекистон бошқа минтақаларга солиштирилганда археологик мерос жиҳатдан бойроқ ҳудуд. Шунинг учун бугунги кунда Ўзбекистонда археология изланишлари бир неча йирик ташкилотларда олиб борилади. Масалан, Фанлар академияси Антропология институтидан. Маданий мерос агентлигига қарашли Самарқанд археология

ҳаёти давомида қандай касалликларни бошидан кечиргани, қорни тўйиб овқатлангани ёки очарчиликка яшагани, шуларга аниқланипти. Буни археогенетика ўрганиб берапти. Бу имконият 20-30 йил олдинги археологияда йўқ эди.

Бутун дунё бўйича археология шундай янги ривожланиш босқичига сараб чиқди. Бу фаннинг энг устувор йўналиши бошқа фанлар усулларидан фойдаланган ҳолда, тарихдан кўпроқ маълумот олишдан иборат.

– Мавжуд саволларга жавоб топилса, янгилари чиқиб келаверилади. Бугун археологлар олдида қандай саволлар жавоб кутиб турибди?

– Инсон жамияти қандай ривожланган? Миллий қадриятлар қаердан келиб чиққан? Нимага бизнинг ошхонамиз биз билган овқат турларидан иборат? Хонаки ўсимликлар, ҳайвонлар бизда қачондан буён мавжуд? Бизнинг уй қуриш усулларимиз қаердан кириб келганми ё ўзимиз кашф қилганми? Қаердан келди чопоналаримиз, дўппиларимиз, тиллақошларимиз? Бу саволларнинг жавобларини ҳам археология фани бера олади.

Бугунги кунда археология фанининг устувор йўналишларидан яна бири бой археологик меросимизни кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ. Бу – археологик ёдгорликларни тўлалигича қазиб очиб, устни ёпиб, туризм объектига айлантириш, дегани. Фақат халқимиз эмас, чет элдан келганлар ҳам кўрсин, бизнинг маданиятимиз қандай шакллангани билан танишсин, ўз юртидаги археологик ёдгорликлар билан солиштирсин. Бизнинг халқимиз ҳам бошқа жойларга борганда шундай объектларни кўриб қиёсласин, идрок қилсин. Бизнинг ўтмишимиз қандай эди? Ота-боболаримиз меросига қандай қарашимиз керак? Шуларни билсин, фахрлансин.

– Аждодларимиз маълум бир ҳудудга жойлашишда нималарга эътибор берган?

– Археологияда қадимги даврларда яшаган одамларнинг излари ва қолдиқларини, яшаган макон ва қўналғаларини топиш бўйича ўзига хос илмий усуллар бор. Инсоннинг ўтқоқлашуви хусусиятлари илмий тилда ўрнашув экологияси дейилади.

Ўрнашув экологиясини ўрганган бўлсангиз, археологик ёдгорликларни топишингиз осон бўлади. Масалан, табиатга чиқингиз, дейлик. Биринчи ўринда инсонга энг керакли нарса – сув. Булоқ, сой ёки дарё қидирасиз. Дарёдан узоқлашмайсиз. Иккинчиси, текис жой қидирасиз уй қуриш учун. Учинчиси, у ерда одамлар ўз иқтисодиётини юритиши керак. Ё деҳқон бўлади, ё чорвадор. Арпа-бугдой экадиган аҳоли бўлса, улар яшаган жойда унумдор тупроқлар бўлиши керак. Чорвадор бўлса, яйлов қидиради.

Мана шу мезонлар бўйича қидирсангиз, қадимги одамларнинг изларини топасиз. Аста-секин бутун ҳудудлар ўрганиб чиқилиб, ҳаммасининг харитаси тузилади.

– Сўнгги пайтда қандай археологик янгилликлар кузатилмоқда?

– Кўп йиллардан бери АҚШнинг Вашингтон университети билан ҳамкорликда ишлаймиз. АҚШлик профессор-ўқитувчилар ва талабалар ҳар йили ёзда бир ойга келиб-кетишади. Биргаликда Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида археологик ёдгорликларни қидирамиз ва ўрганамиз. Уларда технология ривожланган, ўзларининг янги ускуналарини олиб келишади. Сўнгги олиб келган ускуналаридан бири “Ли-

дар” деган сканер дронга ўрнатилди ва ёза бошлади. Бу қурилма катта қўламдаги ишларни тез бажаришга ёрдам беради.

Зомин ва Бахмал туманлари ҳудудида Тугунбулоқ деган жой бор. Шу ерда 150 гектарлик шаҳар қолдиғи борлигини ҳам айни шу дрон орқали аниқлади. 2000 метр юқорида жойлашган ҳудуд. Олдин тоғли жойларда кичик-кичик уйчалар, турар жойлар топилади. Лекин у ерда қишлоқ ёки шаҳар даражасига кўтарилиш деган нарса фанда йўқ эди. Қаранг, бу жой Қорахонийлар даврида шаҳар даражасига кўтарилган экан. 250 йил давомида яшаб, кейин тарк этилган экан. Ҳозир ҳам бундай ҳудудда шаҳар қуриш осон эмас. Аждодларимизни нима мажбур қилган бунда макон қуриб, кейин ташлаб кетишга? Беш йилдан буён ҳар йили қазима орқали ўрганилган. Сабабларини топиш арафасида.

Биринчиси, у ердаги тоғ геологик жиҳатдан темирга бой экан. Иккинчиси, у ер яйлов бўлган. Бу жой қандайдир сиёсий, иқтисодий марказ бўлиши керак. Туркий қавмларнинг хоқони яшаган бўлиши мумкин. Ҳар икки йилда бир марта бўлиб ўтадиган Шанхай археологлар форуми бор. Шу форумда Ўзбекистонда Жиззах, Зомин ва Бахмал тоғларида олиб борилган тадқиқотлар жаҳоннинг 10 та энг йирик кашфиётларидан бири, деб эълон қилинди. Бизга сертификатлар берилди. Бу Ўзбекистон олимларининг америкалик олимлар билан ҳамкорликдаги ютуғи бўлди.

Бундан ташқари, Ташкент атрофидаги Фарбий Тангритоғ ҳудудида, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудидаги Хи-сор тоғ этакларида археологларимиз неандертал одамларнинг қолларини топишди. Варшава университети археологлари билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотимиз учун Европа 2 миллион евролик грант ажратди.

Сўнгги йиллардаги йирик кашфиётлардан яна бири – Кофрқалъа деган ёдгорлик Самарқанд археология институтини томонидан ўрганилган. Бу – қадимги Сўғд цивилизациясига оид марказ. Самарқанддан 25-30 км узоқликда жойлашган. Самарқандлик мутахассислар Япония, Италия археологлари билан ҳамкорликда ёдгорликни ўрганиш жараёнида қизиқарли маълумотлар топишти. Мана, қадимги зардуштийларга оид ибодатхонага ўхшаш хона араблар босқинида Ислон динига зид, деб ёқиб юборилган. Ёниб кетган ёғочларда ўймакорлик излари бор. Чунки кул чиримайди, кўмир чиримайди. Ёғоч бўлганда, бугунги кунгача қолмас эди. Манбада Нана тасвири чизилган – бу зардуштийлик динида аёллик, унумдорлик тангричаси ҳисобланади. Ўта ноёб.

Тасвир қайта чизиб чиқилганда, 1300 йил олдинги Сўғд маданияти даврига оид кийимлар, эркак ва аёлларнинг соч турмақлари, ҳаммаси кўриниб турибди. Кийимларнинг устидаги безакларга аён кўринади. Кўп муҳим элементлар бор у ерда. Бу маълумотлар ҳеч қанақа ёзма манбада йўқ, бу тарих учун қутилмаган жуда катта маълумот. Топилма жаҳон қўламида археологлар ўртасида шундай бир резонанс уйғотдики, Ўзбекистон маданияти кўрғазмасининг асосий экспонатларидан бирига айланди.

– Домла, мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. Миллий археология фанимизда шундай ютуқлар бардавом бўлишига тилақдошмиз.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



ОҚСИЛЛАР ДУНЁСИНИНГ УЧ ҚАҲРАМОНИ

2024 йилги кимё бўйича Нобель мукофоти оқсиллар йўналишидаги кашфиётлар учун тақдим этилди. **Соврин миқдори 11 миллион швед кронаси (1 115 000 АҚШ доллари) бўлиб, ярни Дэвид Бейкерга, ярни эса Демис Ҳассабис ва Жон Жамперга берилди.**

МОҲИЯТ

Ҳаётнинг хилма-хиллиги оқсилларнинг кимёвий восита сифатидаги ажойиб қобилиятига боғлиқ. Улар тирикликнинг асоси бўлган барча кимёвий реакцияларни бошқаради. Оқсиллар, шунингдек, гормонлар, сигнал берувчи моддалар, антитаналар ҳамда турли тўқималарнинг қурилиш блоклари вазифасини бажаради.

“Эътироф этилаётган кашфиётлардан бири мутлақо янги, гаройиб оқсилларни яратиш билан боғлиқ. Иккинчиси эса, фандаги 50 йиллик орзуну рўёбга чиқарди: эндиликда оқсил тузилмаларини уларнинг аминокислоталар кетма-кетлиги орқали олдиндан башорат қилиш мумкин. Бу иккала кашфиёт ҳам инсоният учун улкан имкониятларни очиб берди”, дейди Кимё бўйича Нобель кўмитаси раиси Хайнер Линке.

ИЗОҲ

Оқсиллар одатда 20 хил аминокислотадан иборат бўлиб, уларни ҳаётнинг қурилиш блоклари деб таърифлаш мумкин. 2003 йилда Дэвид Бейкер ушбу блоклардан фойдаланиб, табиатда ҳеч қачон учрамайдиган янги оқсил яратишга муваффақ бўлди. Ушундан бери унинг тадқиқот гуруҳи фармацевтика, вакциналар, наноматериаллар ва микросенсорлар сифатида ишлатилиши мумкин бўлган сунъий оқсилларни лойиҳалаб келмоқда.

Иккинчи кашфиёт эса, оқсил тузилмаларини моделлаштириш билан боғлиқ. Оқсилларда аминокислоталар узун занжир шаклида бир-бирига боғланган бўлиб, улар уч улчовли мураккаб структура ҳосил қилиш учун букланади. Бу шакл оқсилнинг қандай функция бажаришини белгилаб беради. 1970 йиллардан бери тадқиқотчилар ушбу занжирнинг букланиш шаклини олдиндан топишга ҳаракат қилишган, ammo бу жуда мураккаб жумбоқ эди. Бироқ яқин йиллар ичида сунъий интеллект технологияси ёрдамида бу борада улкан илмий ютуққа эришилди.

ЯНГИЛИК

2020 йилда Демис Ҳассабис ва Жон Жампер “AlphaFold2” деб номланган сунъий интеллект моделини тақдим этишди. Ушбу технология ёрдамида улар 200 миллиондан ортиқ оқсилнинг уч улчамли тузилшини башорат қилишга муваффақ бўлишди. Кашфиёт эълон қилингандан буён дастурдан 190 мамлакатдан икки миллиондан ортиқ инсон фойдаланди. Ушбу тизим ёрдамида олимлар тиббиётдаги антибиотикларга чидамликлик муаммосини яхшироқ тушуниш имкониятига эга бўлишди, қолверса, экология учун жуда муҳим бўлган пластмасса чиқиндиларини парчалайдиган янги ферментларни лойиҳалаш устида ишлашмоқда.

ҚАҲРАМОНЛАР ҲАҚИДА

Дэвид Бейкер 1962 йилда АҚШнинг Сиэтл шаҳрида туғилган. 1989 йилда Калифорния университетида докторлик даражасини олган. Ҳозирда Вашингтон университети профессори ҳамда Говард Хьюз тиббиёт институти тадқиқотчиси.

Демис Ҳассабис 1976 йилда Лондон шаҳрида туғилган. 2009 йилда докторлик даражасини олган. Бугунги кунда сунъий интеллект оламидаги энг нуфузли ташкилотлардан бири бўлган “Google DeepMind” компаниясининг бош директори.

Жон Жампер 1985 йилда АҚШда туғилган. 2017 йилда Чикаго университетида докторлик даражасини олган. Ҳозирда “Google DeepMind” компаниясининг катта илмий ходими.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.



археозоология, археоботаника ёки археогеофизика деган йўналишлардан фойдаланаётган бўлса, биз ҳам уларга мурожаат қилишимиз керак.

Археолог қазимша орқали топилган буюмларни (аксарияти синиқ парча, фрагмент) тизимлаштириб, тасниф қилиб, ундан кейин ёзилмаган тарихни тиклашга ҳаракат қилади. Археология – ёзма манба билан тикланадиган тарихдан фарқи бир йўналиш. Ҳали ёзув пайдо бўлмагандан, ривожланмагандан олдинги даврлар ҳақида маълумот берувчи ёлғиз фан. Яъни, археология тарих ёзилишидан олдинги даврларни ҳам ўрганади. Одамлар қоллардан кўчманчи бўлиб, овчи-термачи бўлиб яшаган даврларда ҳали цивилизация йўқ эди. Давлат, шаҳар, ҳатто қишлоқ деган тушунча ҳам йўқ эди у даврларда. Ёзма манба йўқ. Уларнинг қандай яшаганини археологлар аниқлайди.

– Албатта, улар экиндай ўсиб чиқмайди. Худди ер ости бойликлари каби уларни қазиб олиш керак. Худди игна билан қудуқ қазгандай...

– Ҳа, қазимша жараёнида аниқланади ҳаммаси. Манзилгоҳлар қидириб топилади. Кейин у жойда нима қолган бўлса, улардан қадим ҳаёт тарзи тикланади. Эҳтимом, қадимги даврда ишлатилган нарсаларнинг бир фоизи қолгандир. Бизга шу ҳам қиёфа қилади.

Археолог худди ўтмиш изкуварига ўхшайди. Ўзи йўқ, изи бор тарихни ўрганади. Масалан, қадимги давр одами ўт ёқдим, ҳайвонларни овлаб келиб, ўша ерда пишириб, этини еб, қолдиғини ташлаб кетдим, ўша ўчоқ тагини, ўтнинг куллари топамиз. Кул ичидаги ҳайвонларнинг суякларини, парчаларини топамиз. Ўсимликларнинг куйиб қолган, лекин шаклини ўзгартирмаган уруғларини, қолдиқларини топамиз. Археоботаник олимларимиз унинг қандай уруғлигини, қандай ўсимлик эканини айтиб беради, археозоолог олимлари-

институтда, Ўзбекистон Миллий университети археология кафедрасида, Фаргона, Термиз, Бухоро, Наманган, Нукусдаги мавжуд кафедраларда, Урганчада Маъмур академиясида археологлар ишлайди. Улар ўз ҳудудларидаги ёдгорликларни ҳар йили ёзи мавсумда қазимша қилиб очади. Мавсум баҳорнинг сўнгидан кузнинг бошларигача давом этади. Ҳаммамиз дала шароитларида қазимшаларда қатнашамиз.

– Манбаларда “археологик артефакт” деган атама учрайди. Шу иборанинг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Қадимги жойларни очишнинг ўз усуллари, методлари бор. Тадқиқотларнинг бугунги кунда устувор йўналишларидан бири археологик артефакт дейилади. Артефакт – қадимги даврга тегишли топилма, қазимшада қўлга киритилган нарса, буюм. Шунинг ўрганиш учун қандай ёрдам берадиган фанлар бўлса, археология ўша фанлар соҳасига кириб борапти. Масалан, бир тиш топилди. Қолган ҳамма суяклар чириб кетган. У тишни ўрганиш учун остеология, анатомияни билиш керак, тўғрими? У тишнинг ичида ўша даврда нима еган бўлса, эмалига суртилиб-суртилиб сақланиб қолар экан. Ҳозир кимёвий лабораторияларда ўрганиб, микроскоп остида очиб, изотоп, стабил изотоплар орқали бу тиш эгаси қандай озиқланганини топамиз. Демак, археология генетикага, кимёга, биологияга кириб борапти.

Ер остидаги қатламларни ўрганамиз. Бу тупроқшунослик, геология фани дегани. Буни ўрганиш учун қатламларни билиш керак. Бу стратиграфия дейилади, қатламшунослик. Демак, суяклардан ўша қадимги даврда қандай касалликлар бўлгани ўрганилган ҳозир. Одам суякларидан унинг қандай хасталиқдан вафот этгани,

ушбу қоидадан истисно қилинади.

Маълумот учун, яқин кунлардаги ҳолатга кўра, ҚДРда 513 дан ортиқ одам Эбола вирусидан касалланган. 131 киши эса вафот этган.

Эслатиб ўтамиз, Конго ДР АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида “К” гуруҳидан жой олган бўлиб, Ўзбекистон, Колумбия ҳамда Португалияга қарши майдонга тушади.

ҚИРОЛ ЎЛМАГАН

Британиянинг Radio Caroline радиостанцияси адашиб қирол Чарльз III вафот этганини эълон қилди ва бу хатолик учун узр сўра-



ди. Бу ҳақда “The Guardian” хабар берди.

Британия монархи вафот этган тақдирда радиостанциялар “Монарх” деб номланган махсус протоколни ишга туширади. Қироллик оилалари ўз дафн маросимларини олдиндан режалаштириш каби, мухбирлар ҳам бунга шай туради. 19 май куни ушбу протокол тасодифан ишга тушиб кетган.

УЧАР ТАКСИ СИНОВИ



Қозғоғистоннинг Олмаота вилоятида илк бор “eVTOL” учар таксиси синовдан ўтказилди. Бу ҳақда вилоят ҳокими Марат Султоноғазиев маълум қилди.

Бундай синов бутун Марказий Осиё ҳудудидаги биринчи тажриба ҳисобланади. Электр

энергиясида ишлайдиган азротаки тирбандликни камайтириш, сайёҳлик объектларини боғлаш ва саёҳат вақтини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

ОҚ УЙ БУНКЕРИ



АҚШ президенти Дональд Трамп Оқ уйда қурилаётган янги бункер тантаналар зали ҳақида шу пайтгача маълум бўлмаган тафсилотларни ошкор қилди. Унинг айтишича, олти қаватли ерости мажмуасининг том қисмида дронлар базаси, ичида эса ҳарбий госпитал жойлашади.

Трамп қурилиш майдонидаги шовқин-сурон остида бир гуруҳ журналистлар учун экскурсия таш-

кил этди. Президент бу орқали АҚШ Конгрессини бино хавфсизлигини кучайтириш учун 1 миллиард доллар маблағ ажратишга кўндирмоқчи.

ЯШИРИН ҲАРБИЙ ТАЙЁРЛОВ

Хитой 2025 йил охирида яширин равишда қуриб 200 нафар россиялик ҳарбийни ўз ҳудудида тайёрлаган. Уларнинг айримлари кейинчалик Украинадаги жанговар ҳаракатларга қайтган. Бу ҳақда “Reuters” хабар берди.



Россия–Хитой ўртасидаги икки тилли келишув ҳужжатида айтилишича, 2025 йил 2 июль куни Пекинда имзоланган битимга мувофиқ, россиялик ҳарбийлар Пекин ва Нанкин шаҳарларидаги ҳарбий базаларда тайёргарликдан ўтган.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ЭБОЛА ВА МУНДИАЛ

АҚШ расмийлари Конго Демократик Республикаси футбол терма жамоасининг 2026 йилги Жаҳон чемпионатида иштирок этиши учун мамлакатга киришига рухсат берилишини маълум қилди. Бу ҳақда Давлат департаментига таяниб “Al Jazeera” хабар берди.



АҚШда Эбола эпидемияси хавфи сабабли сўнгги 21 кун давомида Конго ДР, Уганда ҳамда Жанубий Судан фуқароларининг мамлакатга кириши тақиқланган. Бироқ, ҚДР терма жамоаси



НУҚТА



Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳмудбек Қозиев 1890 йили Андижон шахрининг Девонабой мавзесида туғилган. Отаси Отабек қози Андижондаги усули жадид мактабларига ҳомийлик қилган, маҳаллий зиёлилар орасида



юксак обрў қозонган шахслардан эди. “Туркистон вилояти газети”нинг ўша йиллардаги сонларидан бирида унинг Азим Қодиров мактабидаги имтиҳонда қатнашгани ҳақида хабарни ўқиймиз. Айни маълумотдан оиланинг жадид муҳитига яқинлигини ҳам англаймиз.

Отабек қози 1902 йили вафот этади. Ундан Аҳмадбек, Фозилбек, Маҳмудбек ва Ҳизрбек исмли фарзандлар қолиб, барчаси замонасининг зиёли кишилари сифатида танилади. Хусусан, тўнғичи Аҳмадбек 1922 йилгача Андижонда қозилик қилади. Фозилбек тарихчи-адиб бўлиб етишади. Унинг 1926 йили чоп этилган “Дукчи эшон воқеаси” китоби чор мустамлакачилиги давридаги Туркистон ҳаёти, халқнинг оғир турмуши ва ўша давр ижтимоий муҳитини ёритган энг муҳим тарихий манбалардан бири ҳисобланади. Фозилбек Отабек ўғли эсади: “Шаҳар халқи зolim ҳокимлар зулмидан безор бўлиб кўчага чиқолмай қолгандек, тоғлардаги қирғизлар ҳам от, мол, қўй, эчкиларини бемалол боқолмай, бир тарафдан чўп, оғиз пули деб жарима солиб, пулларини олса, иккинчи тарафдан “туёқ пули” деб кўйларини тортиб олди. Учинчи ёқдан рус мужиклари “экинмига кирди” деб молларини “штраф” қилиб олиб кўярди”.

Дарҳақиқат, мустамлака чоҳига тушган Туркистонда чор амалдор-

ларнинг зулму таъйиқи йил сайин кучайиб борарди. Маҳаллий аҳолини эзиб-сиқташ, қадр-қиммати оёқости қилиш, ҳатто кўчадан миршаб ўтиб қолса, ўрнидан турмаган мусулмонни калтаклаш ёки қамаш ҳам оддий ҳолга айланганди. Ана шундай таҳликали давр Қозиевлар авлодининг қарашлари ва ҳаёт йўлида ҳам чуқур из қолдирди.

Биз ҳикоя қилмоқчи Маҳмудбек 1916 йили ўқишни битиргач, Андижон шахридаги Жоме масжидида мутаваллилик, яъни хўжалик мудирлиги ва мирзалик қилади. Бу йиллар Туркистонда жадидлик ҳаракати кенг ёйилаётган палла эди. Миллат тақдирдан кайгурган зиёлилар янги ташкилотлар тузиб, халқни маънан уйғотишга интиларди. 1917 йилги февраль ва октябрь воқеаларидан кейин Туркистонда ҳокимият учун кураш авж олган, юрт келажаги хусусида турли қарашлар майдонга чиққан бир шароитда Маҳмудбек Қозиев ҳам Андижондаги “Шўро ислом” фаоллари қаторида кўрина бошлади. 1937 йил 21 августдаги тергов жараёнида берган кўрсатмасида у “Шўро ислом”нинг Андижон бўлими ишида фаол қатнашгани, укаси Ҳизрбек билан бирга Қўқон мухторияти учун маблағ йиғиш ва уни етказиш ишларида иштирок этганини таъкидлайди.

Туркистон мухторияти миллий давлатчилиги тиклашга дастлабки жиддий уринишлардан бири эди. Мухторият ҳукумати “Миллий аскар” (“Миллий гвардия”) тузишга киришганида, Андижон уезди аҳолисидан йиғилган маблағларни Қўқонга олиб бориб топшириш Маҳмудбек зиммасига юкланади. Бу эса унинг миллий ҳаракат ичидаги ишончли кишилардан бири бўлганини кўрсатади. Мухторият большевиклар томонидан тормор этилгач, Андижондаги “Шўро ислом” фаоллари “Маҳкамаи шариа” ташкилотини тузиб, Маҳмудбек Қозиев ушбу ташкилотда котиблик вазифасини бажаради. Кейинчалик айнан шу фаолияти унинг устидан кўзгатишган жиноий ишлар учун асосий далиллардан бири бўлади.

1918–1921 йилларда у Андижон уезд революцион комитети қошидаги адвокатлар коллегиясида аъзо, айни пайтда Қошғар саройида котиблик ҳам қиларди. Аммо совет ҳокимияти миллий кучларга нисбатан тобора қаттиқ

сиёсат юрита бошлаган шароитда у ҳам таъқиб доирасига тушди. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати кучайиб, Фарғона водийсида вазият ниҳоятда қалтис тус олганди. Қошғар саройига қилинган ҳужумдан бир кун ўтар-ўтмас, махсус бўлим ходимлари сарой Иброҳим Охун билан биргаликда қахрамонимиз ҳам бор эди.

Қозиев дастлаб 27 кун қамоқда сақланади. Озод этилгач, яна Андижон инқилобий комитетида котиб-тилмочлик ишларига қайтади. Шунга қарамай, махсус бўлим чангалида қутулиб бўлмади. Орадан ярим йилча ўтиб, тагин ҳибсга олинади: аввал Тошкентга, сўнг Москвага етап қилинади. Кейинчалик тергов материалларида ушбу воқеалар “босмачилар билан алоқа” сифатида талқин қилина бошлади. Хусусан, 1937 йил 17 мартда маҳбуслардан бирининг кўрсатмасида Маҳмудбек Қозиев 1918 йили Қошғар саройида Иброҳим Охун оқсоқолга котиб бўлиб ишлагани, Иброҳим Охун эса Парпи кўрбоши билан яқин алоқада бўлгани қайд этилади. Тергов талқинига кўра, Маҳмудбек Қозиев шу орқали “босмачилар” билан боғланган, ҳатто Иброҳим Охун номидан Парпи кўрбошига йўлланган мактуб махсус бўлим кўлига тушиб қолган эмиш. Бу иш ортидан Иброҳим Охун Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) коллегияси томонидан отилгани, Маҳмудбек эса 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилиб, узоқ шимолга – Архангельскга сургун этилгани айтилади. Маҳмудбек Қозиевнинг ўзи 1937 йил сентябрдаги кўрсатмасида: “1921 йил апрелида соқчи қузатувида Тошкентга махсус бўлимга олиб боришди. Бу ерда бир ойга яқин қамоқда ушлаб туришди. Бу жойдан соқчи қузатувида Москвага юборишди. Йўлда терлама касали билан оғриб қолдим”, дейди.

Архангельск сургунли Маҳмудбек Қозиев ҳаётидаги энг машаққатли ва изтиробли даврлардан бирига айланади. Узоқ шимолнинг совуқ ва бегона муҳити, маҳбуслик ҳаёти уни ҳолдан тойдирди. Шундай бўлса-да, оиласи ва яқинларининг саъй-ҳаракати туфайли Маҳмудбек Қозиев 1923 йили жазо муддати тугамасдан озодликка чиқади ва Андижонга қайтади.

Сургундан қайтгач, узоқ ишсиз қолмайди. Жадид зиёлиларидан Ёқубжон Исақулов (1931 йили отилган) кўмаги билан Фарғона водийси бўйича пахта комитети тизимида иш бошлайди. Кейин Андижон коммунал хўжалигида котиблик қилади, саноат кооперациясида раис ўринбосари ва

савдо бўлими мудирли вазифаларида ишлайди. 1926 йилдан Пахта трести туман идорасида котиб, сўнг 4-сон пахта заводи қошидаги тайёрлов пункти мудирли ўринбосари бўлиб хизмат қилади. 1929–1931 йилларда Андижон округи пахта союзида котиблик қилади. Шунингдек, туманлараро кооптранс мудирли (1931–1933), “Аравакаш” артели раиси (1933–1934), база бошлиги (1934–1936) вазифаларида фаолият юритади.

1937 йил терговларида унинг бутун ўтмишини қайта титкилаш бошланди. Илгари жадидлар билан бирга ишлагани, Қўқон мухторияти учун маблағ йиғгани борми, Ёқубжон Исақулов ёки Иномжон Хидиралиев каби шахслар билан муносабати бўлади-ми, “аксиланқилобий алоқалар” сифатида талқин қилинади. Бир вақтлар миллатнинг маърифатли қатлами ҳисобланган зиёлилар орасидаги зигирча инсоний муносабатлар ҳам НКВД наздида “жиноят”га айлантирилади. Шу йили 20 августда давлат хавфсизлиги сержантлари Полунин ва Чалий Маҳмудбек Қозиевни қамоққа олиш ҳақида қарор тайёрлади. Хужжатда у “аксиланқилобий унсурлар йиғинининг фаол иштирокчиси”, “совет ҳокимиятини ағдаришга чақирувчи шахс” сифатида тавсифланади.

Тергов жараёнлари чуқурлашган сари НКВД ходимлари Маҳмудбек Қозиев атрофидаги ҳар қандай суҳбат ва муносабатга сиёсий тус беради. Айблов ҳулласига илова қилинган гувоҳлар, жумладан, Д.Хушвақтовнинг 1937 йил 9 ноябрда берган кўрсатмаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилган. Унда Ҳасанхон Ниёзов билан Маҳмудбек Қозиев ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан парча келтирилади.

Кўрсатмага қараганда, Ҳасанхон Ниёзов совет сиёсати ҳақида кескин фикр билдириб: “Мен Совет иттифоқида юз бераётган ишлардан ниҳоятда таажубдаман. Ҳамма иш аҳолини алдаш билан олиб борилмоқда. Қўриб турибсиз-ку, қулоқ қилиш ниҳоятда уруш учун Тошкентга қанчадан-қанча отлар жўнатилмоқда. Мен ҳукумат сиёсати қандайлигини жуда ҳам яхши тушунаман, мен билган нарсаларни хаттоки амал столида ўтирган кўппаб хизматчилар ҳам тушулмади”, дейди. Маҳмудбек Қозиев эса бу гапларни тасдиқлаб: “Тўғри, мен ҳам сизнинг фикрингизга қўшсаман, ҳукумат сиёсатини сизу бизчалик тушунадиганлар кам, Андижон аҳолиси ҳақиқий аҳволини тушуниб етмайди, улар хурсанд, байрамона кайфиятда”, деб, сўнг захархандалик билан: “Биз ҳам хурсандимиз, қувончли-



Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, тарих фанлари доктори, профессор

миз, ашула айтамыз, бизда ҳамма нарса, давлатимиз ҳам яхши”, дея кесатик қилади. Тергов учун бундай суҳбатлар “совет ҳокимиятига қарши тарғибот” айбини кўйишга кифоя қиларди.

1937 йил 5 ноябрь. Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Берг 28 нафар айбланувчи қаторида Маҳмудбек Қозиев ишини ҳам “учлик” судига топширади. “Миллатчи йиғинларда қатнашиш”, “уруш ҳақида провокацион миш-миш тарқатиш”, “совет сиёсатига тўхмат қилиш” каби бандлар билан у 1937 йил 13 ноябрда олий жазо – отувга ҳукм қилинади. Ҳукм 23 декабрь кун ижро этилади.

Фозилбек Қозиев устидан ҳам жиноий иш кўзгатилиб, уни Тошкентнинг Қовунчи меҳнат посёлкасида сургун қилишади. У кўп ўтмай ўша жойда қийноқлардан вафот этади.

Бу ҳар икки қатагон қурбонларининг авлодлари ҳозирда Андижонда, Тошкентда яшашмоқда. Маҳмудбек аканинг катта ўғли Раҳодбек 1935–1938 йиллари Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетининг биология факультетида ўқиб юрган пайтида оиласи бошига тушган мусибат оқибатида университетни тарк этади. Андижон кечки педагогика институтида ўқиб, 1940 йилда битиради. Бу инсон билан 1966–1974 йиллари ҳозирги Андижон давлат университетиде бирга ишлаганман, кўп суҳбатлар курганмиз, ажойиб, дилбар шахс эди. Аламлиси, Маҳмудбек Қозиевнинг фарзандлари узоқ йиллар отаси тақдирини беҳабар яшади. Раҳодбек Қозиев 1964 йилда ёзган таржимаи ҳолида: “Отам 1937 йили қамоққа олинган, кейинги тақдир тўғрисида бизга ҳозиргача ҳеч нарса маълум эмас. Аниқ бўлмаган ривоятларга кўра, гўёки отамиз 1946 йили лагерда вафот қилган эмиш”, деб ёзади.

Кўрмийсизми, у ҳатто отасининг лагерда вафот этгани ҳақидаги чўпчаларга ишониб келган. Ҳолбуки, қиблагоҳининг тақдирига анча олдин – 1937 йилнинг декабрида нуқта қўйилган эди...

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Қубри Ҳамроевич Абдуқаноков – 1886 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси. 1931 йили аксиланқилобий фаолияти учун 3 йил сургунга ҳукм этилган. Ҳибсга олинган вақтда Ўзбекистон кооперация хомашёсида тайёрловчи бўлиб ишлаган. Доимий равишда қарши тарғибот олиб борганлиқда, капиталистик тузумни мактаганлиқда айбланган. 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилиб, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

Аҳмадхон Иброҳимов – 1902 йили Қўқон шаҳрида тўқувчи хунарманд оиласида туғилган. Мусулмон мактабида ўқиган, комсомол, партия аъзоси. 1921 йил октябрдан 1922 йил мартгача Қўқон уезди Яйпан қишлоқ касаба уюшмаси котиби, 1922 йил февралдан 1923 йил июнигача Фарғона вилояти озиқ-овқат комитетининг Бағдодаги вакили, 1923 йил июлдан 1924 йил январигача Қудаш қишлоғида область молия бўлими агенти, 1924 йил февралдан 1924 йил декабригача Қўқон шаҳрида терига ишлов берувчилар уюшмаси, 1924 йил декабрдан 1926 йил сентябригача область терига ишлов берувчилар уюшмасининг раиси, 1926 йил сентябрдан 1927 йил ноябригача Тошкентда ВЦСПС Ўрта Осиё бюросидаги ўқишда курсант, 1927–1929 йиллари Андижон округ касаба союзи раиси, 1930–1931 йиллари “Ўзбек савдо”нинг Андижон шаҳридаги вакили, 1931–1933 йиллари Янгиқўрғон район ижроия комитети раиси ўринбосари, 1933–1934 йиллари Чуст район ижроия комитети раиси ўринбосари, 1934–1936 йиллари МТС директори, 1936–1937 йиллари Норин райони МТС директори вазифасида ишлаб келган. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Иброҳимов Аҳмадхон отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша кун ижро қилинган.

Сайфи Камолов – 1891 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1929 йили 12 декабрда “Миллий истиқлол” ташкилотининг Наманган филиалидаги “Миллий кўмитани”нинг Андижон шўъбасига аъзо бўлгани учун ҳибсга олинган. ОГПУнинг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-банди билан айбланиб, 5 йил концлагерга ҳукм этилган. 1989 йил 31 мартда реабилитация қилинган.

Носир Зокирович Эркин – 1899 йили Қўқон шаҳрида туғилган. “Янги Фарғона” газетасида техник муҳаррирлик қилган. У “Миллий истиқлол” директиваси бўйича аксиланқилобий ташкилот – “Ботир гапчилар”ни ташкил этган ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилган. 1925 йилдан 1929 йилгача аксиланқилобий ташкилот бўлган “Темур”да фаол иштирок этганлиқда, совет ҳокимияти олиб бораётган тadbирларни барбод қилганлиқда айбланган. 1930 йил 31 январда қамоққа олинган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-банди ва 10-моддаси билан 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегиясининг қарорига мувофиқ 10 йил муддатга концлагерга ҳукм этилган. 1989 йил 4 апрелда реабилитация қилинган.

Ҳайруллақори Шомуҳаммедов – 1890 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент шаҳридаги ўзбек мактабларида ўқитувчилик қилган. 1929 йил 6 ноябрда ҳибсга олинган. “Миллий истиқлол” аксиланқилобий ташкилоти аъзоларини тарғиб этишда айбланган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 10-банди билан айбдор деб топилди, 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегияси томонидан 3 йил концлагерга ҳукм этилган. 1989 йил 29 мартда реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА, тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).



“Кимки хом бўлса, замона зулмидан қолгай омон, Эл узум пишса узиб, хум ичра маҳкум айлагай. Мирзо БЕДИЛ”

ҲИҚМАТ

БИР ЭРТАККА ИККИ ЯКУН

Кўп йиллар бурун, “Гулхан” журналида замонавий эстон ёзувчисининг эртаги менинг таржимамда эълон қилинган, тахририятга ёши улуг бир киши худди шу мазмунда эртақ олиб келди. Аммо якуний хулоса бир-бирига зид эди. Биз у кишига яқинда журналда чоп этилган эртақни кўрсатдик.

Чол ён чўнтагидан араб имлосидаги эртақ-ривоятларнинг 1915 йилдаги тошбосмасини олиб кўрсатди: “Буни шахсан Бехбудий ўқиш китоби қилиб тузган! Жадидлар мактабида уни ўқиганман”. Ўша пайтлар, 1980 йилларда мен каби жуда кўпчилик жадидларни, Бехбудий кимлигини билмасди, албатта. Китобчани келтирган киши

эртақни ёзмагани, уни араб имлосида қандай бўлса, шундай кўчирганини айтди.

Маълум бўлишича, Маҳмудхўжа Бехбудий 1910 йилларда Москвадан литография – тошбосма дастгоҳини сотиб олади. Араб имлосидаги турли катталикдаги литерлар – қабарик ҳарфлар тўплами, бўёқлар, қоғозларгача вагонда олиб келтиради. Шогирдларидан бирини тошбосмани ўрганиб келишга юборади. Дастлаб газета, сўнг бошлангич синфлар учун тил ўрганиш ва ўқиш китоблари чикаришга ҳаракат қилади, бу китобларнинг муаллифи ҳам Бехбудийнинг ўзи эди. У турли қисқа ҳикоятлар, эртақлар, латифаларни содда ва тушунарли тилда тахрирлашга ҳаракат қилади.

Бехбудийнинг бир армони – Туркистондаги туркий

халқлар бир-бирининг тилини тушунамаслигида эди: “Сурхонлик хоразмликни, бухоролик водийликни тушунмайди. Турли лаҳжалар қуриовидан чиқиб, ягона адабий тил яратиш бизнинг бурчимиздир!” Ҳақиқатан, Бехбудийнинг газетасида эълон қилган мақолалари билан у яратган “Ўқиш китоби” тили орасида катта фарқ бор эди. Бехбудий газетаси мақолалари билан халқнинг саводли қисмига муножбат қилган. “Ўқиш китоби” билан эса жадид мактабларида ўқишни ўрганадиган ёш авлодга юзланган. Бу ишда ўзи ибрат бўлишга ҳаракат қилган. Ўтмишга хос тумтароқ тилдан воз кечишга чақирган.

Бехбудийнинг “Ўқиш китоби”даги “Қарға ва полапонлар” эртақи билан эстон ёзувчисининг шу номдаги муаллифлик эртақи орасидаги фарқ улар-

нинг хулоса қисмига оид эди. Бир қарға полапонларини сув босиш хавфи бўлган оролдаги инидан катта ўрмондаги бошқа инга биттадан таший бошлайди. Она қарға учиб давомийда полапондан: “Сенга қилган бу яхшиликларимни қандай қайтарасан?” деб сўрайди. “Сизни ўлғунимча асрайман, керак бўлса, сиз учун оила ҳам қурмай тоқ ўтаман!” деган жавоб бўлади. Она қарға уч боласини ҳам катта ўрмонга эсон-омон олиб ўтади. Бу Бехбудий китобида келтирилган шарқона тамойил бўлиб, ота-онанинг фарзандлар учун улуғлиги таъкидланади.

Замонавий эстон ёзувчисининг эртақида хулоса ўзгача. Икки полапон онасига худди Бехбудий китобидаги полапонлар каби жавоб қайтаради, қарға эса уларни сувга ташлаб юборади. Фақат



энг кичик полапон онасига бошқача жавоб беради: “Онажон, учирма бўлганимдан кейин ўз ҳаётим билан банд бўлман. Сени бошқа кўрмасам ҳам керак. Мен болаларимга сендек яхшиликлар қиламан”. Она қарға шу жўжасини катта ўрмонга олиб кетади. Бу – масалага Фарбча ёндашув эди.

Афсуски, ҳозир Фарбда бу тамойил ҳам жиддий инқирозга юз тутмоқда. Илгари

ҳар қалай оила, фарзандлар давомийлиги рағбатлантирилари. Кейинги йигирма йилдан бери Фарбда “Ўзинг учун яша!” деган тамойил, турли ноинсоний “оила”лар тарғиб сендек яхшиликлар қиламан” она, фарзандлар ташвиши катта ўрмонга олиб кетади. Бу – масалага Фарбча ёндашув эди.

Мана, сизга бир эртақнинг икки хил якуни.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ



ЯНГИ НАШРЛАР

ЮТУҚ
НИМАДА?

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган “Жиззах адаблари” номли уч жилдлик китоб тақдими самимий мулоқотларга бой бўлди.

Маълумки, қадим ва навқирон Жиззах воҳаси Ҳамид Олимжон, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Оқилжон Хусанов, Тўра Сулаймон, Саъдулла Ҳаким, Фароғат Камолова сингари ўнлаб истеъдодли адабларга бешик бўлган, уларни камолга етказган табаррук гўшадир. Кўп жилдли китобга ушбу машҳур адабларимиз билан бир қаторда, ёш ижодкорларнинг асарлари ҳам киритилган. Хусусан, биринчи ва иккинчи жилдлардан қирққа яқин муаллифларнинг насрий асарлари ўрин олган бўлса, назм йўналишига бағишланган учинчи жилднинг қамрови янада кенг – юздан зиёд шоирлар қамраб олинган. Мумтоз адаблар орасида Махмур Коризий, Муаззамхон, Аламқаш, Инъомхон Махжур сингари аввал бирмунча ўрганилган шоирлар билан бирга, Қози Поянда Зоминий, Шермуҳаммад Жиззахий, Ургули Ҳозгоний (Махзун), Саидхон, Камолиддин, Нарзулло Шароф ўғли Нарзий ва Нарзулла Умурзоқ ўғли Нарзий каби ҳали адабиётимизга яхши маълум бўлмаган шоирларнинг ижодий мероси топиб киритилиши адабиётимиз ютуғидир.

Ушбу китобларнинг дунё юзини кўришида Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими раҳбари, таниқли адиба Меҳрибон Абдурахмонованинг



хизмати беқиёс бўлганини таъкидламоқ керак. Айниқса, мумтоз адаблар мероси турли архивлар ва қўлёзмалар институтидан, қишлоқма-қишлоқ юриб, одамлардан, оилалардан суриштириб топилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди истеъдодларга бой. Уйлаймизки, ҳали “Жиззах адаблари” китобига кирмай қолган ижодкорлар ҳам бисёр – шахсан ўзим бир вақтлар Галлаорол туманининг “Меҳнат байроғи” газетасида меҳнат қилган Мели Ҳакимов, Камолиддин Назар, Абдуваҳоб Гиёс сингари шоир-ёзувчиларнинг яхши асарлар яратганини эсламан, туманининг Авлиёта қишлоғида яшовчи муаллим Имомқул Яхшибоевнинг бадиий диди ва шеърлари унча-мунча таниқли шоирлар ижодидан баланд туради, пойтахтда яшаб ижод қилиб келаётган Абдулҳамид Мухторов, Азиз Норқулов сингари ёзувчилар ва яна етишиб келаётган кўплаб ёш истеъдодлар бор. Демак, “Жиззах адаблари”нинг янги жилдлари давом этиши мантиқан тўғри бўлади.

Китоблар “Ижод Нашр” ва “Адабиёт” нашриётларида чоп этилган.

Икром БҮРИБОЕВ

МУНОСАБАТ

Ўзбекистонда гиёҳвандлик ва нарकोжиноятларга қарши курашиш масаласи умумийлик ҳаракатга айланиб, бунинг учун барча куч ва воситалар сафарбар қилинмоқда. 2024 йилда наркотикларга қарши курашиш бўйича миллий стратегия қабул қилинган, яқинда Самарқанд шаҳрида “Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотохидларга қарши курашиш” мавзусида халқаро форум ўтказилгани бу борада муҳим қадамлардан бўлди.



БЕФАРҚЛИК ҲАМ АФЮНДИР

Лекин деярли ҳар куни “фаш этилган гиёҳвандлик лабораторияси ёки уюшган наркотизм” ҳақида этни жунжиктирар хабарлар эълон қилинапти.

Гиёҳвандлик ва алкоғолизмни фақат шахсий танлов ёки иродасизлик натижаси сифатида кўриш анча содда ёндашув. Аслида, кўп ҳолларда инсонни бу йўлга етаклайдиган омиллар анча чуқур ва кўп қатламли бўлади. Ишсизлик ёки молиявий беқарорлик инсонда умидсизлик ҳиссини кучайтириб, вақтинчалик “чалғиш” воситаларини излашга олиб келиши мумкин. Шунингдек, носоғлом ижтимоий муҳит, оилавий низолар, назоратнинг суслуги ёки атрофдагилар таъсири, айниқса, ёшлар учун ҳал қилувчи омилга

айланади. Депрессия, ёлғизлик ҳисси ёки ўзини қадрсиз ҳис қилиш каби ҳолатлар инсонни турли афюнлар орқали тасалли излашга ундайди. Бундай вазиятларда фақат жазо ёки қоралаш эмас, аксинча, психологик ёрдам, реабилитация ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари муҳим аҳамият касб этади.

Таълим масканларида профилактика ишларини формал учрашувлар билан чеклаб қўймасдан, уларни тизимли ва интерактив шаклга ўтказиш, гиёҳвандликка қарши алоҳида модуллар жорий қилиб, уларда ҳаётий қарор қабул қилиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилиши лозим, деб уйлаймиз. Ҳар бир таълим муассасасида амалий психологлар

фаолиятини фаоллаштириб, ёшлар учун аноним муурожаат имкониятларини яратиш, айниқса, депрессия, ёлғизлик ёки босимни ҳис қилаётган ўқувчиларни эрта аниқлаш ва улар билан индивидуал ишлаш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, жамиятнинг ҳар бир аъзоси бундай зарарли иллатларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги, огоҳлик ва масъулият билан ёндашиши зарур. Чунки муаммо бир инсонники эмас, бу – жамиятнинг эртаси, миллатнинг келажаги масаласидир.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

ТИЛБИЛИМ

АРАФА



Арафа куни аслида Рўза ҳайитидан олдинги кун эмас. Луғатда: “арафа – Зулҳижжа ойининг 9 кун, бу кунни ҳажга борган зиёратчилар Арафот тоғида ўтказишади”, деб изоҳланган.

Маълумки, Рамазон ҳайитидан кейин икки ою ўн кун ёки 70 кун ўтиб, Зулҳижжа ойининг 10 кунда Қурбон ҳайити нишонланади. Арафа куни айнан Қурбон ҳайитидан олдинги кундир.

“Арафа” сўзи арабча “билмоқ, танимоқ” маъносига “ъарафа” феълдан ясалган. Бу куннинг “арафа” деб аталиши сабаби – “Ислом энциклопедияси”да ёзилишича, “Иброҳим алайҳиссаломга Жаброил алайҳиссалом ҳаж ибодати рўқналарини шу кунни ўргатган” экан. Кейинчалик Рўза ҳайитидан олдинги кун ҳам “арафа кун” деб аталиб кетган.

Ҳозирги ўзбек тилида “арафа” сўзи диний маънодан ташқари байрам ёки бирор тантанали маросимдан олдинги кун маъносига ҳам кенг қўлланади: янги йил арафаси, тўй арафаси, қиш арафаси ва ҳоказо.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Брюсселда Ҳисорни кўрдим

11 соатлик йўлдан сўнг Брюсселдаги меҳмонхонада хонамда ТВ каналларини алмаштириб ўтирдим. Бирданига таниш тоғларни кўриб қолдим. ТВда овоз паст эди, ишонасизми, одам ўзининг тоғларини изоҳсиз ҳам таниркан.

“BBC News”да Мичаела Страчаннинг Ўзбекистон қор қоплонини тасвирга олиш учун Ҳисор кўриқхонасидан тайёрлаган ҳужжатли фильми кетаётган экан.

Ўзим учун жуда кўп янги маълумотлар олдим. Масалан, Ҳисор кўриқхонаси Нью-Йорк шаҳри ҳудудига тенг экан.

Марказий Осиё бўйлаб Хитойгача 2,500 км дан ортиқ чўзилган Тянь-Шан тоғ тизмасида мингдан ортиқ қор қоплони бор деб тахмин қилинади, аммо унинг Ўзбекистондаги энг фарбий чеккаларида 60 тага яқини юрар экан.

Мичаела 7 кун давомида қор қоплони изига тушади,



кўриқхона жамоаси тахминий жойларга қопқонкамералар қўяди.

Фильмнинг ҳаяжонли жойи фотоқопқонлардаги

кадрларни очиб кўришганда бўлди: камералар айқиларни, тоғ эчкиларини ва қоронғида шошиб ўтиб кетган жайрани тасвирга олган эди. Кутилмаганда Мичаела ва кўриқхоначилар бақириб юборди: гўзал йирик мушук – қор қоплони, журналист таъбири билан айтганда, “тоғ арвоҳи” узун думини судраб, ўтиб кетди.

Кўриб, жуда завқландим. Албатта, бу фильм анча олдин тасвирга олиниб, эълон қилинганди. Мен кўрган такрорий эфир бўлса керак.

“BBC News”да бизнинг ноёб табиатни кўрсатишаётганидан, бу мен учун Брюсселда сюрприз бўлганидан завқим тошди.

Айтгандек, Брюсселда “Euronews”нинг орқа кўчасида яшаймиз. 2 ҳафта давомида шу ерда малака оширамыз. Эртдан жараён бошланади. Ҳаётнинг шунақа ёқимли сюрпризлари кўп экан. Худога шукр!

Азиза ҚУРБОНОВА,
Фейсбук



ХАЙП – (инглизча hype – шов-шув, ошириб кўрсатиш) муайян шахс, маҳсулот ёки воқеа атрофида сунъий ёки табиий равишда қизиқиш ва шов-шув уйғотиш жараёни.

Хайпнинг асосий вазифаси инсонларнинг табиий қизиқиши ва янгиликка эътибор қаратиши билан боғлиқ бўлиб, у жамоатчилик фикри ва оммавий муҳокамаларни шакллантиришда қўлланадиган восита. Хусусан, ижтимоий тармоқларда тез тарқалган ва кенг

АТАМАЛАР ШАРҲИ


муҳокамага сабаб бўлган ҳолатлар “хайп бўлди” тарзида ифодаланади.

ВАЙБ – (инглизча vibe, vibration – тебраниш, кайфият) инсон, жой ёки вазиятдан сезиладиган умумий муҳит, руҳий ҳолат, кайфият маъносини англатади.



“Яхши вайб”, “негатив вайб” каби бирикмалар орқали муҳитнинг таъсири ифодаланади.

ТЮТОР – (инглизча tutor – устоз, мураббий) таълим ва тарбия жараёнида талабалар ёки ўқувчиларнинг маълум гуруҳига шахсан йўл-йўриқ кўрсатувчи мутахассис.



Унга мактаб ва олий таълим муассасаларида фаолият юритувчи муаллимлар, мактабгача таълимда болаларни тарбия қилувчи

чи педагоглар ҳам қиради. Шу билан бирга, тўтор нафақат билим бериш, балки меҳнат, одоб-ахлоқ ва гоёвий-маънавий шакллантиришга қаратилган тарбиячи ҳамдир.

КЕЙС – (инглизча case – ҳолат, мисол) муайян вазият ёки муаммонинг амалий таҳлили.



Бизнес, ҳуқуқ ва таълим соҳаларида аниқ мисол асосида тажриба ўрганиш маъносига ишлатилади.

Газетхонларимизда мазкур сўзларнинг ўзбекча муқобилига тақлиф бўлса, телеграм орқали @jadidgamurojaat_bot манзилига юборишларини сўраймиз.

